Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар бажарилиши маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини янги сифат даражасига кўтариш, жамиятда юқори маънавий ва ахлоқий муҳитни таъминлаш, халқимизнинг жисмоний ва ижодий фаоллигини ошириш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиш, Ўзбекистонини санъат ва спорт дунёсига юксак натижаларга эришишга қодир истеъдодли аҳоли яшайдиган ва юқори даражада ривожланган маданиятга эга мамлакат сифатида нуфузини мустаҳкамлаш учун имконият яратади.

АСРЛАРНИ ЁРИТГАН ЗИЁ

Инсон инсон бўлиб яралибдики, абдаднинг йўлида унга энг инсончи ҳамроҳ ҳамшира китобдир. Китоб қирган уяга нур кириб борган. Китоб орқали одам қалбини, туйғуларини, руҳини таниган, ўзини англаган. Ҳаёт моҳиятини англаш илмида инсониятнинг энг биринчи кашфиёти ҳам китоб бўлган, охириги кашфиёти ҳам китоб бўлиб қолади. Шунинг учун Осмон тўхфалари ҳам одамларга бошқа шаклда эмас, айнан Китоб тарзда туширилган.

Мамлакатимизда китобга, китоб мутолаасига давлат сиёсати даражасида эътибор қилинаётгани юрагида бир қатм нур бор ҳар қандай одамни тўқинлантириб юборади. Бехитёр "Минг раҳмат-ей!" дейсиз. Китоб оро нумосини, обрў эътиборини, иззат-нафсини, ҳуллас, Инсонлиқни ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам ҳар уйда ва бутун мамлакатда китобнинг фаолият кўрсатиши миллий тарбиянинг муҳим жиҳатларидан биридир.

га буркайди. Юқоридаги гапни буюк аллома Ҳаким ат-Термизий айтган. Ҳаким ат-Термизий ҳам, имом Термизий ҳам қолдирган китоблари билан элда эзди. Бу китоблар орқали биз улар билан гаплашгандай, маслаҳатлашгандай бўламиз. Бу китобларда уларнинг қалбини, руҳини кўрамиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10-11 феврал кунлари Сурхондарёда бўлганда Ҳаким ат-Термизий ва Абу Исо Термизий мақбараларини зиёрат қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу зиёратгоҳларга ташрифи буюк бoларимизга юксак эҳтиромнинг яна бир намунасидир. Термизий бoболардан қолган китоблар нафақат миллатнинг маънавий бойлиги, шунингдек, жаҳон тафаккури таърихлари ҳамдир. Президентимиз Сурхондарёга ташрифи чоғида Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази қурили-

ши билан танишди. Бу кутубхонанинг қурилиши Сурхондарё вилояти учун нирҳятда зарур эди. Чунки вилоятда ҳозирги замон талабларига мос кутубхона борлигини билмайман. Қолаверса, кейинги пайтларда бозор муаммолари сабаб бўлиб, вилоят туманларида китоб дўконлари жуда камайиб кетганди.

Бўлса, каттагина бир туман микёсида биттагина "Бугуннинг гапи" эди. Адиб Собир Термизий номи билан қуриладжак бу кутубхона муҳташам тафаккур уйи бўлади ва вилоят марказида кўр тўкиб,

«Академик шоир» деганда кўз олдимизда халқимизнинг сеvimли фарзанди Фафур Гулом сиймоси гавдаланади. Ўз даврида «қомусий билим соҳиб» деб эътироф этилган адиб ҳаёти ва ижоди биз учун катта мактаб. Унинг болаликдан китоб шайдоси бўлгани замондошлари хотираларида қайд этилган. Жумладан, Мақсуд Шайхзода шундай ёзди: «Фафур Гуломнинг биринчи ва асосий адабиёт ўқитувчиси — китоб... Китоблар, шоирнинг ўзи ҳам эътибор қилганидай, унинг таҳсил ва таълимидаги нуқсонларни тўлдириб, маълумотини, бадий ҳофизасини, завқини, тарихий диапазонини, тилини, кузатувчанлик қобилиятини, психологик — нозик мушоҳадаларини бойитиб берди». Мутолаа санъати... Унинг қандай сир-синоати бор, Фафур Гулом бун қандай эгаллаган эди? У қай пайти, қайси китобларни ўқирди? Биз ана шундай саволлар билан шоирнинг қизи Олмос опа Фафуровага мурожаат қилдик.



Бедилни севиб ўқишларини билганман. Бу буюк зотнинг китобини кўлга олган, аввал кўзларига суриб, кейин уни очарди. Бедил куллиёти умрининг охиригача дадамнинг столида

зейда ноёб араб алифбосида турли асрларда чоп этилган «Ғиёс-ул лугат»нинг тўрт нусхаси, «Бурҳони Қотий»нинг икки нусхаси, «Ахтари Кабир»нинг икки нусхаси, «Усмонли турк тили лугат»и, «Чигагой ва туркий Усмонли лугат», «Туркча лугат», «Мунтахаб ал-лугат» (танланган сўзлар лугати) ва жуда кўп бошқа тиллардаги лугатлар сақланади.

да, келажакда нима иш қилишинг шунга боғлиқ», дегани ёдимда. Ҳеч қачон бизни ўқи, деб мажбур қилган эмас. Дадам ҳар йили 18-20 газетга-журналга обуна бўларди. Улар орасида хотин-қизларга оид тўқиш, бичиш-тиқишга оид журналлар ҳам бўларди. Кейин билсам, дадам шулар бўш юрмасин, деб кўп нашрларга обуна бўлган экан. Ҳа, у киши узоқни ўйлаб фикрлайдиган одам эди. Лекин қандай китоб ўқийётганимизга қараб кўярди. Мен 8-синфда Золя, Бальзак, Мопассан сингари классик ёзувчиларнинг китобларини ўқиб бўлгандим. Дадам, сенга эртасамикан бун ўқишга, тушуңдингми, деб сўраб кўярди. Баъзан кизиқиб ўқийётганимизни кўрса, «Шунақа қизиқ эканми, бер-чи, мен ҳам ўқий», дерди.

— Олмос опа, дадангиз ҳақидаги хотираларингизда у кишининг китобга муносабати тўғрисида ҳам ёзгансиз. Бироқ шоир китобни қандай ўқигани ҳақидаги кичик тафсилотлар ҳам ўқувчиларимизга қизиқ.

хоҳламасди. Китобни, қоғозни жуда қадрларди. Бунда бувимнинг ҳам таъсири бўлгандир, балким. Бувим раҳматли: «Қоғозга Оллоҳнинг номи ёзилди, шунинг учун у ерга тушмаслиги керак», деб айтарди. Дадам ҳам қоғозга жуда ҳурмат билан муносабатда бўлган. «Қоғоз» деган шеърда ҳам ёзган-ку: «Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан, Сенинг мақтовингни куйлайин, қоғоз!» деб.

юборганди. Сиз фалон жойга келинг, дедингиз. Бу китоб магазини эди. Сиз рўйхат буйича жуда кўп китоб олдингиз», деди. Дадам китоб магазинига келган янги китоблардан доимий олиб турган. Уларни олиб келишга акамни жўнатарди. Акам Москвага кетгач, мен олиб келадиган бўлдим. Ўша йилгити шу китоб магазинига чақирибман. Чунки дадам берган рўйхатдаги китоблар оғирлигидан

Доимий ижтимоий фаолиятда бўлган, кўплаб сафарларда юрган, асосий вақтини одамлар куршовида ўтказган адиб китоб ўқишга қандай вақт топган?

— Дадам чин маънода китоб ошиғи эди. У ҳар доим китоб ўқирди. Кечаси, кундузи, деб ўтирмасди. Ҳақиқатан ҳам, уйимиздан дадамнинг дўстлари, устозу шоғирдлари қадами узилмасди. Улар биргаликда қайсидир китобни ўқишар, муҳокама қилишарди. Дадам кечаси мутолаа қилишни яхши кўрарди. Саҳарда туриб ёзар, кундузи бўш қолдими, ўқирди. Трамвайдами, машинадами, самолётдами китобсиз юрмасди. Чўнтагида доим ўқиш учун китоби бўларди. Хофизасида жуда кўп шеърни ёд биларди. Битта шеърни ёд олиш учун бир неча бор ўқиш керак бўлади. Демак, битта китобни, балки ўн марта ўқигандир...

Дадам кечаси тезда ухлалмасди. Каровати ёнидаги тумбочкада китоб турарди. Бугун ўқишга китобим йўқ, фалон-фалон китобларни олиб чиқинлар, дерди. Ухлагунларича турли енгил китобларни ўқирди. Чумолилар ҳақида бўладими, бирор қабила тўғрисида бўладими... Азонда турганда жиддийроқ китобларни, масалан, Бедилни ўқиб, кейин ижод қиларди.

— Китоб ўқиб ухлаб қолган пайтлари бўлармиди?

— Йўқ, бундай бўлмасди. Китобни ёниб, кейин ухларди. Китоб ерга тушиб кетишини, ҳар жойда ётишини

“БЕДИЛ ЎҚИР ЭДИМ, ЧИҚДИ ОФТОБ...”

Китобни авайлаб ўқирди. Чизиб, буклаб қўйишни ёмон кўрарди. Қоғозчага керакли сўзларни, мулоҳазаларини ёзиб китобнинг ўша бетига солиб кўярди. Фақат янги китоб сотиб олганда ичига олган вақтинги кўрсатиб, «Фафур» деб ёзиб кўярди.

Дадам келган хатларга ҳам бепарво бўлмасди. Ўқигандан кейин, тепасига «Жавоб ёзилди», деб санасини кўрсатиб кўярди. Агар улгурмаса, бизга бериб: «Фалон нарса деб жавоб ёз», дерди. Кейин ёзганимизни ўқиб, имзо чекарди. Қоғозни, китобни ана шундай эъозларди. Китоб сотиб олишдан чарчамасди. Тошкентдами, саёхатга чиқадими, албатта, янги китоб олиб келарди.

Бундан икки йил илгари Ёзувчилар уюшмасига борганимда бир одам ёнимга келди. «Мен фалончидан, эсингизда бўлса, фалон вақтда мен билан учрашишингиз керак эди. Дадамнинг мени сизнинг олдингизга

кўтаролмабман, шекилли. Ҳар бекатда оғирмасми, деб сўраганимдан, етиб келганимизда у йилгити: «Сизларнинг китоб ўқишингиз жуда оғирликка тушар экан», деб кулган экан.

Дадамнинг китобларидан бир қисми «Фафур Гулом уй-музейи»га олиб келинган. Улар орасида кўлбўма китоблар, муаллиф имзоси билан дадамга тақдим қилинган китоблар ҳам анчагина. Мен муайян кутубхона ташкил қилганман. Бу ерда икки мингдан ортиқ китоб бор.

— Бир мақолангизда «Бедил шеърларини ўқиганларида тўғри келган варағини очиб, бармоқларини кўйган жойини ўқиб, фол очини ёқтирар эдилар. Ўша шеърнинг мазмунини қайта-қайта чақар эдилар», дегансиз. Шоирнинг севиб мутолаа қиладигани, энг аввало, Мирзо Абдулқодир Бедил асарлари бўлган экан-да...

— Ҳа, эсимни танибманки, дадам

турди, хурсандчиликда ҳам, хафа бўлганида ҳам, албатта, уни ўқиб кўярди. Шоирнинг жуда кўп шеърларини ёддан биларди. Дадам бир шеърда «Тонг отар чоғида жуда соғиниб, Бедил ўқир эдим чикди офтоб, Лойка ҳаёлотлар чашмадай тинди, Пок-покиза юрак бир қатра симоб», деб ёзган. Бедил ижоди Фафур Гулом учун пок-покиза чашмадек ҳузур бағишларди. Унга бўлган эҳтиром, муҳаббат туфайли фарзандига ҳам Мирза Абдулқодир деб исм қўйди. Ҳозиргача музейдаги кутубхонада Бедилнинг неча хил ноёб кўлбўма, тошбосма асарлари сақланади. Дадам яна Навоийни, Фозулийни севиб ўқирди. У кишининг яхши кўрган асарлари араб ёки лотин алифбосида бўларди. Форс адабиётини форс тилида ўқирди. Форс, араб, урду, турк тилларида гаплаша олган.

Дадам лугатларни ҳам кўп ўқирди. Уйимизда кўп лугатлар бўларди. Му-

Бир кун лугат «Ғиёс-ул лугат»ни очиб, дадамни имтиҳон қилишган экан. Қайси сўзнинг маъносини сўрашса, у киши «Фалон бет», деб сўзнинг маъносини айтиб бериб, ҳаммани ҳайратда қолдирган.

Дадамнинг кизиқиши жуда кенг эди. Бирор қабила ёки бирорта ҳайвоннинг келиб чиқиши, қирилиб кетган пайти тўғрисида-ми, шаҳарлар ҳақида бўладими, ҳаммасига қизиқарди. Ўқиганларини биз билан баҳам кўрарди. Бир кун кечки пайт йиғилиб ўтирганимизда: «Уриқни шифобахш дегани тўғри, шекилли. Африкадаги битта қабила узоқ умр кўрар экан. Улар фақат ўрик ер экан, севган қизига «Мен сенга ўрик водийсини ҳада қиламан», деб айттаркан», дея ҳикоя қилиб берганди.

«Дада, Африкадаги қабила сизга нимага керак» десам, «Ўша ерларга боргим, улар билан суҳбатлашгим, улар нималарни ўйлаётганини билгим келарди», деб жавоб берганди. Қизиқувчанлиги умр бўйи ошса ошдики, асло сўнмади. «Агар одам билимини ошириб бормаса, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб бормаса, бугун билан ҳамнафас яшамаса, ҳаётдан орқада қолади-ку», дерди. Фафур Гулом кўп ўқимаса, шундай асарлар ёза олармиди. Кўп одамлар у кишини «қомус» дерди. Дадам ҳаёт билан ҳамнафас яшади. Бу ҳозиржавоблик унинг ижодида ҳам акс этди.

— Сизга, фарзандларига қандай китоблар ўқишни тавсия қиларди?

— Дадам бизга, мана бу китобни ўқинг, деганини эшитмаганман. Умуман, менга дарс қилган, китоб ўқинг, деган эмас. Бир кун: «Мен ҳамма ўқиш керак бўлган китобни ўқиб бўлдим. Келажак сизники. Ўқисанг ўзингга фой-

Устозлар ибрати

Бир кун ишро ёзаётганим, «х» билан «х»ни ажратоларми деган саволга дадамнинг олдида келдим. Бедилни ўқиб ўтирган экан. «Сен араб имлосини, форсчани билмайсан-да. Шунинг учун бу ерда нўноқлик қиласан», деди саволимга жавобан. «Халта-хулта қилай десам пулим йўқ, Самарқандда хайрон қолган Ҳамидхон» деган мисрани айтиб, шуни тўғри ёзсанг, саводинг чиққан бўлади, деб қўшиб қўйди.

Ҳар кун дадамнинг кўлбўмалари, китоблари, шеърларини ўқиб, ўша вақтлардаги ҳам қийин, ҳам фараҳли дамлар кўз олдимга келади. Унинг «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман, Қалбим буюргангани айтиб келдим ҳаммиша», деган мисралари қанчалик самимий ёзилганини юрагимдан ҳис қилиб, йиғлаб ҳам оламан гоҳида. Халқимизнинг Фафур Гуломдек китобсевар, халқпарвар фарзанди хонадониди дунёга келганимга шукр қиламан.

— Қизикарли суҳбатингиз учун раҳмат. Фафур Гуломдек улуг, донишманд зотнинг ижодини ўрганиш, асраш ва тарғиб қилишдаги савобли ишингизда сизга куч-қувват, соғлиқ тилаб қоламиз.

Нилуфар НАМОЗОВА суҳбатлашди.

Зулфия МҶМИНОВА

АБАДИЙ БАҲОР



Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факултетида ўқиган. «Ватан ташлаб кетмайди», «Бешиқларни асрагин, дунё», «Самода сочилган юлдузлар», «Истиқлолим — олтин гулим», «Аёлга бахт беринг, саодат беринг» сингари ўнга яқин шеърли китоблар муаллифи.

АФШОНА

Ибн Сино туғилган қишлоққа бордим, Юрак санчмай қўйди, бир енгил бўлдим. Ариқлар ялпизли сувлар ичирди, Яна оққуш бўлдим, яна гул бўлдим.

Саватларга жойлаб меҳр илдинди, Бир-биринга туташ олмалар боғлар. Атиргул буй-ла, райҳон буй-ла Кўзимнинг оғригин олди чорбоғлар.

Чини касаларда шарбат узатди, Ўрик домлару азиз оқ тутлар. Қора маржон берди, ипакка ўраб, Табиблик қонидан ўтган шотутлар.

Асрдан асрга бол ташир ҳамон, Ҳақимнинг шоғирди — асаларилар. Сутли ақл берар чақалоқларга, Бешиқка энгашган гўзал парилар.

Минг бир малҳам излар эшитиб туриб, Ярадор заминнинг нолаларини. Даволашга юбор, она Бухоро, Китоб қўлтиқданга болаларингни.

БОҒИШАМОЛДА

Парилар мулкида — Боғишамолда, Қирмизи олмалар пишди, тўқилди. Мен унга олмалар бермоқчи эдим, Мен унинг кўзларин кўрмоқчи эдим.

Ошиқлар мулкида, шамлар илкида, Ипак қўйлагиди кўйди парвона. Шамида парвона бўлмоқчи эдим, Мен унинг кўзларин кўрмоқчи эдим.

Фозиллар юртида, азим Тошкентда, Марварид оқ тутлар пишди, тўқилди. Мен унга оқ тутлар бермоқчи эдим, Мен унинг кўзларин кўрмоқчи эдим.

Жонимга сайёдим, файзи фаёдим, У унсиз фарёдим, у гўзал ёдим. Ёди-ла бир умр юрмоқчи эдим, Мен унинг кўзларин кўрмоқчи эдим.

Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

Булбулга не жафо ортиқ, Намаисизлик, дамаисизлик. Одамга ўлимдан ортиқ, Ватансизлик, ватансизлик. Илдизи она тупроқда, То тирик анга интилу, Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

Бошга олтин тож ортиқча, Кўзда ёшлар чашма-чашма. Қаердасан, Амурдёр, Бобур ташна, Бобур ташна. Юз оҳ ила оҳ-фарёди, Туңлар тобонга интилу, Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

Узумингдан бир донга еб, Қовунишни битта ҳиллаб, Бобур ўтди туз оҳ дея, Бобур ўтди йиғлаб-йиғлаб. Бир жонига неча қасдлар, Огулар анга интилу, Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

Тахт ортида ажал пойлар, Тожни бошга тангир ажал. Ҳар лаҳзада жонин кўзлаб, Сангир ажал, сангир ажал. Дунё Бобурга интилиб, Жонин олмиш, жонин олмиш. Андижонда бешик қучиб, Ватан қолмиш, ватан қолмиш. Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

Ўзга юртнинг олтин тоғи, Ватан бўлмас, Ватан бўлмас. Шоҳ шоири бўлмагн ҳамки, Сенинг бўлмас, сен тан бўлмас. Ватан — ниймон, Ватан — виждон, Номусу шанга интилу. Бу дунёдан ўтса ҳамки, Бобур Ватанга интилу. Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу.

БОБУР ВАТАНГА ИНТИЛУР

Ватан жондан яралганму Жон ила танга интилу. Дунё Бобурга интилу, Бобур Ватанга интилу. Карвонлари кўп дунё, Қароқчилар тўп дунё. Китоб ортган карвоннинг Қўнғирогини ўп, дунё. Дема: «Бобур зору муҳтож, Лаъли-яманга интилу.

НАВО ИСМАТИДА

Эҳтиром

Қушдирман, мусаффо осмонда қўнглим, Юракка ранг берган бўстонда қўнглим, Ҳар кун беш гўзал дostonда қўнглим, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Муҳаббат насими эсгадир хур-хур, Эй дил, бу «Арбаъин», «Назм ул-жавоҳир», Не қилсам қўнғилга тақдир бўлмай нур, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Қалбга Ундан ўзга не ижод керак, Бул денгиз соҳили — зўр нажот керак, Йиғласам, кулсам ҳам муножот керак, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Дил учун бекаму кўстлик эҳтиёж, Поклар тутган йўли — ростлик эҳтиёж, Англадим, дўст билра дўстлик эҳтиёж, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Бир гулга ошиқлик қисмат истарам, Мен фақат камолат, исмат истарам, Элга Ҳақ йўлида хизмат истарам, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Бемор юракларга даво сўздурур, Бегумон хушнафас, ҳаво сўздурур, Наво истаганига наво сўздурур, Изладим — Навоий ҳазратдан топдим.

Ғайрат МАЖИД

Мирпўлат МИРЗО

ТОРМҶИ ҚУЙЛАМОҚ — САОДАТ

1949 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факултетида ўқиган. «Ишқ фасли», «Яхши кунлар», «Сунбула», «Мовий дарё», «Атиргул ва юлдузлар» каби тўпламлари чоп этилган. Шоирнинг таржимонлик фаолиятини ўзида яққол акс эттирган тўплами «XX аср рус шеърляти» китоби бўлиб, унда рус шеърляти намуналари жамланган.



БУ ЗАМОН

Тонглар олди, кечиб туңлар, Юракдан учар хуш улар, Бундай ёруғ, шоён кунлар Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Истиқлол қўёши балқиб, Кўтарди қаддини халқим. Умидлар бунчалар ёрқин — Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Дунё қўшқиди номи бор — Улуғларимиз бизга ёр... Бу замин бунчалар пойдор Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Кечар йиллар ва фасллар, Кучар зафарни асллар, Бундоқ муносиб насллар Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Тирикдир ким — кўрар иззат, Миллат мезморига раҳмат, Улуғларга бундоқ ҳурмат Қачон бўлган, қачон бўлган?!

«Ойнан жаҳон»дан хабар, Ҳар кун бир янгилик айтар, Бунча шиддат, бунча зафар Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Куртак тутар илм боғи, Юксак тафаккур байроғи, Китобнинг қадр топтоғи Қачон бўлган, қачон бўлган?!

Бу қадим юрт нурга тўсин, Халқи доим омон бўлсин! Айтнинг, бундоқ давронлар чин Қачон бўлган, қачон бўлган?!

БАҲОР БАЁТИ

Мен ҳам баҳорнинг бир ошиқ шоири, Уни телбаларча суюб, алқаган. Севаман — мен унда тириклик сирин, Шомларин — бағрида чақин чақнаган.

Севаман — чит қўйлақ ўрикзорларин, Севаман — оқбилал олмазорин ҳам. Гўзалдир боғдаги ёлғиз настарин Мовий рўмолини ҳилширатган дам.

Кифтидан кетиб қор-музлар ниҳоят, Кунгайда исинар яшилтоб қирлар. Гўзал ва ажибдир бу дамлар гоёт Оқ ҳовур таратган шудгор адирлар.

Нозик қаддин хиёл эгиб чучмома, Тонги шабнамларга юзини чапар. Туи бўйи гунчага битиб ишқнома — Булбул достонини дунёга ёяр.

Севаман — ирмоқлар чулдираб оқса, Завқидан энтиқиб энди туну кун. Севаман — қизгалдоқ гулханлар ёқса, Алвон шафақларга тутатиб бутун.

Қаранг — ҳов турналар аргамчи солди Олис болагиним осмонларига. Қаранг — бир капалак алашиб қолди, Дуч келиб гулларнинг уммонларига.

Нурлар оғушида борлиқ муҳташам, Бу дамлар гўзалсан нақадар, Ҳаёт! Шу буёқ Баҳорга атаб юракдан Биттум мен қасида, биттумдир баёт.

Танқиди ёзувчи Асад Дилмуроднинг "Заррадаги олам" номли янги романи "Шарқ юлдузи" (2016 йил, 8-10 сонлар) журналида босилди. Асар ноанъанавий усулда ёзилгани билан эътиборни тортди. Муаллиф билан суҳбатлашганимизда, асосан, романнинг бадиий-эстетик хусусиятлари ҳақида гаплашдик.

— Романни ўқибтиб хаёлимдан бир фикр ўтди. Уни сизга савол тарзида берсам: бунча гапни қаердан топдингиз, ака?

— Аҳмаджон, ростки, ўша гапларни шунчаки топмадим, ўларни жонли сўз шаклида тасаввуримни эгаллади, ёрдамга келди: ижодкор тер тўкиш жараёнида сўз излагани каби, сўз ҳам ижодкор сари талпинадиганга ўхшайди. Натихада айрича руҳий ҳамкорлик юзга чиқди ва бадиий сифати жиҳатидан у ёки бу даражадаги асар туғилди.

— Илгари, асосан, анъанавий йўлда излангансиз, бугунги кунда ноанъанавий усулда қалам тебратялсиз. Назаримда, жаҳон адабиётдаги янги оқим ва усуллар ижодингизга таъсир ўтказган бўлиши керак...

— Адабиёт тарихига назар солсак, турли адабий йўналишлар ўртасида мунтазам кураш кечгани, улар узлуksиз равишда ўрин алмашгани, бир-бирини инкор этган ҳолда, каму кўстини тўлдириш орқали жамоат кўрсатгани сезилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бадиий-эстетик тафаккур равнақида катта улуш қўшган модернизм ижодий дастурлари ва амаллари жиҳатидан турфа мактаблар моҳиятини ўзида жамлаган эстетик тизимдир. Модернизм инсон ботинини қалб кўзи билан кузатиш, борлик манзаралари ва қалб эришилганлигини ҳиссий тадқиқ қилишни ҳушловчи шарҳона тасаввуддан озиклангани туфайли эътиборини кўпроқ тортгани шубҳасиз.

— "Заррадаги олам"ни зерикмай, қизиқиб ўқидим. Бадиий матнда мантиқий тўқислик ва муайян уйғунлик сақланган. Бироқ баъзан ҳаммаси кўлда маҳкам тутиб турилган ва инсталган йўриққа солингандек туюлади. Шундай ўринларда "муаллиф ҳуқуқи" сунистеъмом қилинмагани?

— Ноанъанавий йўлда ёзганда айрим эстетик тамойиллар маълум даражада четлаб ўтилади. Натихада табиий равишда аклий тафаккурни ҳиловланган, ҳиссий тафаккурга суяниб иш тутилади. Бундай ҳолда муаллиф шурида руҳ ва жисм, вуҷуд ва маъно ўзаро тугташиб, дунё ва инсон образи яхлит тарзда гавдаланади ҳамда тасвир оддийликдан мураккаблик заминига кўчади. Агар бу жараёнда узилшсиз кечса, изланиш шиддати пасайиб, туглаётган асар бадиий қимматига пугур етади.


Мазкур жараён талабидан келиб чиқиб, объектив воқеликнинг реал тасвирдан имкон борича четлашди ва тасаввуримда шундай воқеликнинг бадиий лойихаси пайдо бўлди. Охир-оқибат матнда реал воқеалар эмас, кўнглимда қатланган бадиий тўғёнлар мажозий йўсинда ифодаланди. Ҳиссий тафаккур негизда қўққлашган мажозий ифода йўсини асар бадиий концепциясига қўламдорлик бағишлагани, унинг маърифий самарадорлигини оширишга анчайин хизмат қилган; шунинг баробарида муаллиф ҳуқуқи микёсини белгилловчи мувозанат бир қадар бузилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас ва бу масалани танқидчилик таҳлил чигиринидан ўтказишига аминман.

— Услубингиз тақозосига кўра, воқеаларни эмас, оқибатни тасвирлайсиз ва шарҳлайсиз, эстетик аҳамиятга молик турли сабаблар илдини оғачис. Бу чиндан ўзига хос янги усулдур. Бу ўзига хослик собиқ етти ўғри билан боғлиқ сюжет чизгида, айниқса, яққол кўринади. Бироқ унда реалистик наср учун хос деталлаштириш ва бошқа тасвир воситаларга ўрин қолмагандек туюлади. Насрда кўп синалган усуллардан нега қочасиз?

— Романга ҳазрат Алишер Навоийнинг "На-сойим ул-муҳаббат" асаридан бир кўчирманни эпиграф сифатида келтирганим беҳиз эмас. Мазкур эпиграф роман мундариғасига туб қатламларга яқинлаштириш, сираси, зарра ичра қувончлари ва қайғуларни, орзуларни ва армонларига қорилиб яшайдиган олам бағрига кириб боришда эстетик восита вазифини ўтайди.

Романга зарра ва оламни моҳиятан ўзаро яхлит ҳиссий-образли тимсол сифатида гавдалантиришга уриндим. Бу жараёнда ташқари, яъни суверат баёнига урғу берадиган реалистик усул чекинади. Борлик, инсон, қалб-руҳ, садоқату ҳиёнат, поклик ва разолат моҳиятини драматик ҳолатлар орқали англаш воситаси саналган ноанъанавий усул фаоллашади.

Демак, роман бадиий концепциясини рўёбга чиқарувчи рамзли ривоятлар, деталу образлар, хусусан, етти ўғри тақдир моҳиятини муаллиф тўйғудоши бўлиб шарҳлаш лозим. Гуноҳларини ювишга отланган етти ўғри пировардида сўз билан ифодалаш мушкул бўлган гаройиб руҳий кечинмалар, фавқуллода феълу атвор ва хислатларни намён



бўлиб қолишига рўйхушлик бермади. Натихада улар поёнсиз хаёлот дунёсида ўрала-шадиган ва ниётлари томон турли сўқмоқ-

МАЖОЗИЙЛИК ВА ҲИССИЙ ТАФАККУР

Ёзувчи Асад Дилмурод билан суҳбат

қилишади. Айни чоғда фарияшта Ниҳон, чўпон йигит Аваз, умр бўйи ўтинқашлик қилган Заранг дароз, нафс бандаси Халил пурча, муҳаббат бибони захматашлари Муса ва Ло-бар, Зиёлола ва Шафрат пари ҳам шундай тил-симоли раҳимат қилинган образлардир.

Кайсидир жиҳатдан етти ўғри Франц Кафканинг "Эри-лиш" ҳикоясидаги Грегор Замзага ўшаб кетишини пай-кагадирсиз. Лекин улар орасидаги мавжуд фарқи ҳам назардан қочмаслики керак. Грегор Замза маънавий таназзулга йўлиққани боис аёвсиз тарзда жазоланади — беҳад аянчли ҳаёт тарихи айланади. Етти ўғри эса ҳатолари-ни англагани ва инсоний фазилатларни эгал-лашга киришгани учун мағфират қилинади ва сийланади — эриқлик тимсоли саналмиш етти қирғий қиёфасига кирди ва бу мўъжиза илми ҳол сеҳрига биниан амалга ошади.

Қутилмаган сирли галаба жоҳиллик ва бади-нафслик тимсоли Халил пурчада қасос ўтини аланга олдириди ва у ўтказган таълик туғай-ли етти қирғий ҳурлик мақомидан айрилади. Ниҳоят улар поёнсиз фазода мастона парвоз қилиш завқу шавқидан тор катакда тинчгина қорин тўйғазиб ётшини афзал билишадими, уларнинг бу аҳвали Грегор Замза мусибати-га жуда ёвуқдир. Мазкур психологик лаҳза зағулик ва ёвуқлик тўқнашганда дунёни бел-лачқандай тебратадиган ва инсониятни боши берк қўчага киритиб қўядиган асоратлар юзга чикишини тасдиқлайди.

— Сиз характер яратишдан кўра турли масалалар ва шулар моҳиятини ёритувчи ўй-хаёллар, изтироблар ва эҳтирослар талқинига кенгроқ ўрин берганга ўхшай-сиз. Бу жиҳатдан "Заррадаги олам" соф бадиий романдан кўра кўпроқ фалсафий, маърифий-ахлоқий асар сифатида таас-сурот уйғотмайдими?

— Аслида, фаҳимча, ҳар қандай соф бадиий роман, қайси усулда ёзилган бўлмасин, қайсидир даражада фалсафий мақом касб этади ва ҳаётнинг мусбат ва манфий қирраларига тегишли, яъни оқу қорани те-ран англаш — эзуқлики эъзоллашу ёвуқлик-дан нафратланиш ва руҳий покланшига ун-дайдиган зарур масалаларни қамрайди. Шунга кўра "Заррадаги олам" чиндан ҳам сиз айтган тоифадаги роман тарзида кўри-нади. Лекин бошқа эстетик тамойил нуктаи назари билан ёндошсак, асосан ўзига хос характерлар тизими бўлган асар сифатида гавдаланади.

Бадиий ижод алоҳида эстетик ҳодиса экани янада теран намён қилувчи бетакрор бадиий характер яратиш ҳар томонлама дол-зарб масала экани қундек равшандир. Бу борадаги мислсиз мураккаблик "Заррадаги олам"ни қозғога тушириш жараёнида яққол билинди. Ноанъанавий йўл эстетик мантиги қаҳрамонларим одатдаги реал одамлар

лар орқали интиладиган символик образлар қиёфасини олишди.

Ана шулар етакчиси бўлган Аваз кўнглини таниш, маънавий улғайиш, ҳақиқат ва диёнати қадрлаш имконини берувчи афсонавий Шифо дарёси жамолига етишмоқ учун мут-тасил руҳий-жисмоний захмат чекади ҳамда "Ранг ва меҳвар" романимда кўнча дунёни ранглар бошқаришига астойдил ишона-диган ва ҳар неки унсур мо-ҳиятини ўшалар баҳона идрок этадиган рас-сом Комрон Вали издошдайд туюлади. Мав-рида мақсадига содиқ ва имони бугун Ком-рон Вали ва разолат фарияшаси Санам би-лан қалбларга мудом адолат уруғини қада-диган эзуқлик фарияшаси Ниҳон образлари-ни қиёслаш ва бири разолат ҳамда иккин-чиси яратувчилигу ҳамият тимсоли эканини ошкор эттим келди.

Юқорида Аваз ва Ниҳон қиёфалари бўртиб кўринишини таъминлайдиган риёзат одами Заранг дароз бўлиши озорқ шарҳланди. Чўлпараст сифатида яхши танилган бу эг-зорфадаги кишилардан кескин фарқланади, ха-рактери Авазники сингари атроф-муҳит таъ-сирлада шаклланган. Доим эзуқу ниёт ва эзуқу амалларни қадрлайди. Бироқ тақдир кулиб боқмай надомат соясига кун кечиради, му-ҳаббатдан ёлчилагани устига, ақлга сифмас нафо улқонига қулайди. Барчани, хусусан, се-вгилиси Шафрат парини мудом ҳайратга со-ладиган, умр бўйи эғнидан ечилмаган жанда чопони қатларига емай-ичмай миғ азобда ҳуфия тўлган ҳазинаси ўзига буюрмайди ва шунга биниан узоқни кўролмайдиган, ҳузур-ҳаловатдан кўра ортиқча қийноғу жа-бри ҳушлайдиган маънавий қашшоқ рамзий ха-рактер бўлиб гавдаланади.

— Асарда адабий меросимиздан ун-ми фойдаланиб қўлланган айрим ҳик-матомуз иқтибослар, эртагу масаллар ва улар мазмунига ишоралар роман моҳия-тига сингдирилган фалсафий қарашлар-ни далиллаш омилига айлангани кузати-лади.

— Аҳмаджон, фикрингиз ўринли. Ижодий анъаналар ва ворисийлик шарофатига кўра, адабий меросимиз сарчашмалари, хусусан, та-саввувий таълимотни дастур билан Аҳмад Яс-савий, Жалолддин Румий, Алишер Навоий, Гулқани ва бошқа улғуларимиз ижоди роман устида ишлаётган пайтимида гоят асқотди. Сю-жетга ёшлиқда кўп ўйганим "Зарбулмасал" мо-тивлари таъсирида Туманак харобазори, Че-гирма тўқайи, бойўғиллар сардорлари санал-миш Тўнабой султон, Тажанг тўра ва Шўрачи шум каби хаёлий образлар киритилди.

Бундан ташқари изланиш жараёнида халқона теран ҳикматларга тўлгин миллий фольклорнинг минг йилларга уландиган илди-зи қалбимни мунтазам безовта қилиб турди ва натихада матн фалсафий қараш-лар моҳиятини чўлгантирадиган Курама

чўли, Айриғум жарни, Олача қарвони, аба-дият чўққиси, тажовузкор қузғунлар, чипор-хўжа, қизилбош, лайлағу ур тўқмоқ, қовоқ-арию шамолвой, катагу етти қирғий, бош-чаногу қайиқ, айиқ полвону тулки каби тим-соллар мажмуи билан бойиди.

Таъбир жоиз бўлса, "Заррадаги олам" тўлиқ равишда рамзийлик ва шартлилик, қочирим-истора ва нозик ишораларни намён этади-ган, эстетик мантиққа асосланган асотирий роман намунасидир. Поэтик матнда моддият талқини қамлиги, эстетик идеал ва концеп-циялар замирида мақсад-муддолоарни бўртти-радиган, тасаввувий тамсил ва аллегориялар лимматига эстетик вазифа юклайдиган мифо-логик воқеалар ҳиссий тафаккур орқали ифо-да этилгани, ниҳоят, танланган муҳит ҳақида тасаввурда уйғонган тушунчалар ҳиссий шарҳ-лангани шундан далолатдир.

— Роман воқеалари аниқ бир реал мак-он ва реал замон билан боғланмагани, асосан, рамзийлик касб этгани чиндан ҳам машаққатли ўзига хос ижодий изла-ниш самарасидир. Ушбу ноанъанавий усул сизга берган асосий имкониятлар ни-малардан иборат?

— Мазкур усул, аввало, хаёлий воқелик моделини ҳиссий тафаккур ва мажозий тил воситасида ичкаридан нурантириб ифода-лаш малакасини эгаллашга ундади. Шу ба-ҳона сўз қадри, жоизбаси, ҳарорати ва қўлам-дорлиги, шунинг баробарида, сарқашлиги ва инқиқлиги нима эканини тузукроқ англади. Сўз саралаш тасвир ва фикрни қиёмига ет-казиш омилли эканига ҳам иқдор бўлдим.

Яна шуки, қаҳрамонларни мураккаб пси-хологик иқлим шароитида синновдан ўтказиб гавдалантириш, реал дунё билан норéal олам сарҳадларини боғлаш, шуурда муайян дам-ларда туғиладиган тушунчаларни ҳақиқат деб билиш, моддий ва руҳоний гўзаллик орасида муқаррар масофани руҳий кураш майдони сифатида тақдим қилиш ва матни кўп қат-лам воситасида сайқаллаш мен ўзлаштирган имкониятлар сирасидандир.

— Назаримда, макону замондан йироқ модернистик тасвир йўсини азалий ва абадий мавзуларни тасвирлашда қулай ва мосроқ демоқчисиз. Лекин аниқ макону замонга боғланган реалистик асарларда ҳам ўша долзарб мавзулар кенг қўламда қаламга олинган-ку...

— Муллоқо ҳақсиз. Реалистик оқим бади-ий-эстетик тафаккурни машъала каби ёрит-гани ва ёритиб келаётгани ҳамда адабиёт ҳазинасини ҳақиқий тоза дурдоналар билан бойитгани туфайли ардоқланди. Буёқ ади-бимиз Чўлпон таъбири билан айтганда, кўнглим доим янглик тилагани боис пи-ровардида ноанъанавий йўлни танлашимга тўғри келган бўлса керак.

Назаримда, қўллаб адабий оқим ва усуллар, илмий-назарий ҳулоса ва масалалар аро ўзи-нинг индивидуал қиёфасини йўқотиб қиймас-лик учун ҳар бир қаламкаш ижодий позиция-сини пухта белгилаб олиши мақсадга муво-фиқдир. Ижодий позиция, шубҳасиз, табиий равишда маънавий эҳтиёбга айланади, қандай усулда изланиш ва қай хил мавзуларни эсте-тик талқинга тортиш заруратини белгилайди.

Макону замонга боғланган соф реалистик асарлар доирасида дунёвий муаммолар мо-ҳиятини чўқур ёритиш ва фалсафий синтез яратишнинг имкони кам, дейиш бир ёқлама фикр. Бариси реализм учун хос эстетик тас-вир тизимидан қандай фойдаланишга боғлиқ. Бу ўта муҳим талаб модерн йўналишига ҳам тегишлидир.

Айни пайтда ноанъанавий йўлда битил-ган асар табиат, ҳаёт ва инсоният ҳақида кенгроқ ўйлаш, хусусан, эзуқлигу адолат, жаҳолату худбинлик хусусида чуқурроқ му-шоҳада юритишга ундаши ва ҳатто маж-бурлашини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Адабиётшунос олим Д.Затонский "Франц Кафка ва модернизм муаммолари" кито-бида бу борада жиддий ҳулосаларни ўрта-га ташлар экан, Франц Кафка насрини сеҳргарона наср деб баҳолайди. Мазкур таъриф хаёлимни ўғирлаш баробарида но-анъанавий усулга ихлос қўйишим учун да-стлабди туртки бўлган эди. Янгича йўлда қандай натихаларга эришганим ҳақида зийрак мухлислар тегишли ҳулоса чиқари-шди, деган умиддамман...

Аҳмад ОТАБОВ суҳбатлашди.

БОБУР ҲИКМАТЛАРИ

Хазина

Яхшилик чун қилмадинг, бори ёмонлик қилмадинг.
 * * * *
 Ғурбат бу азиз умрни кам қилдур.
 * * * *
 Олам боғида топмоқ гули бехор мушкулдур.
 * * * *
 Тақдирдур ул ёну бу ён солчуғи...
 * * * *
 Эй гул, мени зор этмак ҳуснинг чамаида,
 Кўзин юмб-очқунча бу гулзор топиламас.
 * * * *
 Айшеки ўтти — ўзга ани зикр айлама,
 Ҳар ниманки йитти — сўроққа арзимас.
 * * * *
 Кимки, ондин яхши йўқ,
 Кўз тутми ондин яхшилик!
 * * * *
 Гар иликтин келса,
 Бир дамни кечурманг гам била.
 * * * *
 Ҳаргиз рост келмас ишқ донолиг била.
 * * * *
 Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
 Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.
 * * * *
 Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса, не тонг?!
 * * * *
 Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
 Эшитмасе сўзин дўст, душман не дегай?
 * * * *
 Отани чуқи қилба дебтурлар,
 Қилба янглиг анги назар қилғил.
 * * * *
 Арзимас гам емакка бу дунё,
 Бил, отин ҳам демакка бу дунё.
 * * * *
 Давлат учун қўнгулни зор этма!
 Иззат учун ўзингни хор этма!
 * * * *
 Ҳар сўзки эшитсе, деса бўлмас,
 Сўз борки, айтсе — деса бўлмас.
 * * * *
 Умр гафлатда ўтқариб борасен,
 Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен.
 * * * *
 Ҳар кимки кўн айтур, паринон айтур...

Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Хуришд ДўСТМУҲАММАД:

ИЖОДИЙ МУҲИТНИНГ ХОСИЯТИ

— Мамлакатимизда чи-накам маънода ижодий му-ҳит яратила бошланмоқда. Ҳар қандай ижод намунаси-нинг муваффақияти ҳам, оммалашуви ҳам, қолавер-са, эътирофу эъзози ҳам ана шу муҳитда рўй бера-ди. Соғлом ижодий муҳит ижодкорлар учун қанчалик қулайлик, эмин-эркинлик яратса, ундан кўп сонли мухлислар, шинавандалар ҳам шунчалик баҳраманд бўладилар. Муҳими, мана шундай жараёнда миллий бадиий дид тобланади, шак-лланади. Талабқилим орта боради.

Аслида шоир-ёзувчи оқ қоғоз олдида ёлғиз, ёзишга қилишган мавзуси билан яқкама-яқка олишгани олишган, қисмати шу унинг. Шундай "муҳораба" май-дониди галаба қозонишда эса унга фақат ва фақат адабий жамоатчилик доирасидаги ва жонон юрти-даги соғлом ижодий муҳитни мадад бера олади.

"ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМЛАР"

"Академнаш" наشريёти шу номдаги бадиий очерк ва публи-цистик мақолалар тўпламини бос-мадан чиқарди. Китоё Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жа-моат фонди томонидан нашрга



таъёрланган. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағиш-ланган мазкур нашрда йигирма беш нафар танқиди адиб қаламига мансуб долзарб мавзудаги ижод намуналари тўпланган. Китоё муқаддимасида таъкидлангандек, Би-ринчи Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида чо-рак аср мобайнида ихтимойи-маънавий ҳаётимизнинг бар-ча жабҳаларида эришилган ютуқлар мазкур тўпламининг маз-мун-мундарижасини ташкил этади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Ўзбекистон" кўчаси ва "Су-лола" очеркларига Андижон шаҳридаги "Ўзбекистон" кўчасининг бугунги ман-заралари ҳамда Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари каби мам-лакатимиз нефт-газ саноатининг йирик ишоотларига раҳбарлик қилаётган Сай-дахмедовлар сулоласи вақилларининг жўшқин фаолияти билан танишасиз. Ик-ром Бўрибоевнинг "Мустақиллик ҳимояси: долғали йиллардан осойишта кун-ларгача" деб номланган мақоласида Биринчи Президентимиз Исроом Каримов-нинг Ўзбекистоннинг ўз миллий армияси ва Қуролли Кучларини шаклланти-риш, мамлакат муҳофаза қудрати ва ҳарбий интизомини мустаҳкамлаш, қуролли қуларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш йўли-да амалга оширган испоҳторлар моҳияти қаламга олинган.

"Истиклол арафаси, истиклол нафаси", "Саодат довоғи", "Неварнинг са-волига жавоб", "Буёқ парвозлар диёри", "Тарих билан бўйлашган кўприк", "Ша-ҳрисабз ҳайратлари", "Файзли кунлар", "Ушторнинг ойдан йўли", "Қўйша қара-ган мавзо" каби очерк ва публицистик мақолаларда Қамчиқ довоғида қурилган улкан тунел ва темир йўл, мамлакатимиз темир йўлларини электрлаштириш ва "Афросиёб" теңзор поезди борадиган тарихий манзиллар географисини кенгайтириш, Урганчдаги Шовот канали ва Қаршидаги тарихий кўприк ҳамда Қашқадарё соҳилларини одамлар дам оладиган сайилгоҳларга айлантириш, Ша-ҳрисабз шаҳрининг тарихий марказини қайта қуриш борасида рўёбга чиқарил-ган буёқ бўёндорлик ишлари, мазкур ободончилик қурилишларида фидойилик кўрсатаётган замондошларимиз жасорати ҳақида сўз боради.

"ЎЗБЕКНИНГ ЗАРБИ ШУНАҚА!.."

Ватан шаънини ҳимоя қилган одам юртининг муносиб фарзанди сана-лади. Бундай фидоий инсонларни қаҳрамон деймиз. Қаҳрамонлар ҳам-ша ўз ортидан одамларни эргаштиро-ган. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ёлғиз Олимпиа-да йўнларига спортчиларимиз кўлга киритган ютуқларини кўрган ёшларги-мизнинг кўнчилиги кўнглида ўша кун-ларда спортга меҳру иштиёқ уйғон-гани аниқ.

"Замонамиз қаҳрамонлари" турку-мида чоп этилган янги китобни vara-қлаб, яна бир хайрли ишга қўл урил-ганига ишонч ҳосил қилдим. Ватани-миз байроғини юксакка кўтариб, юр-тимиз довуруғини дунёга ёётган спортчиларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган бу туркум китоб-лар ёшларда Ватанга муҳаббат ҳиссини қучайтиришга хисса қўиши шубҳасиз. Танқиди адиб Муҳаммад Али муҳаррирлигида чоп этилган, шо-ирлар Иқбол Мирзо, Нодир Жонузок, Ориф Толиб ҳаммуаллифинида ёзил-ган ушбу китоб Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритган Ҳасанбой Дўсматовнинг спортдаги ютуқларига бағишланган. Ҳасанбой Дўсматовни

Абдуллаевага атаб ёзган шеърдаги фарз бу мисралар бугунги кунни башорат қилгандай жаранглайди:

**Қадоқ битган панжа Зарби шунақа!
 Кетмон тутган панжа Зарби шунақа!
 Ҳабанмасан, фаранг, Тур, эй оғайни,
 Ўзбекининг алкачча Зарби шунақа!**

Жигарғўшаси ҳақида тўлқинланиб гапирган Ҳасанбойнинг яқинлари бу китобни кўриб, ўқиб шундай фарзан-дларидан яна ва яна фахрланиши шубҳасиз. Чунки дилбанди ҳақида яхши гап, фикр-мулоҳазаларни эши-тиш қайси ота-она ёки яқинларини хурсанд қилмайди дейсиз. Фолиб бўлган, қаҳрамонлик кўрсатган инсон ҳақида таниш-билишлари нимадир дегиси келади. Шу тахлит қаҳрамон-нинг шахс сифатидаги ўзига хос фа-зилатлари, хислатлари очилади.

"Ҳасанбой бош неварма, шу боис тарбияси билан асосан биз шуғулан-ганмиз", дейди фахр билан 77 ёшли бобоси Дўсмад Хайитбоев.

"Қизиққан соҳасидан қайтармаган-



Hasanboy DUMASATOV

Замонамиз қаҳрамонлари

ман", дейди отаси Маъ-руфжон Хайитбоев.

"Менга шундай фарзанд ато қилгани учун Яратганга беадад шукрлар айта-ман", дейди онаси Дилно-захон Хайитбоева.

"Болалигидан жуда чайир эди", дейди устозларидан бири Алишер Абдуллаев.

"Ҳасанбойнинг боксда-ги каби теннисда ҳам зарбалари ақил, тез", дейди маҳалла фаоллари-дан бири Бекзод Маматов.

Бир-биридан қизиқарли мақола-лар, маълумотлар билан бойитилган юртимиз фарзандига бағишланган ки-тобни ўқиб тугатган бир фикрга кел-дим: қаҳрамонимиз чемпион Ҳасанбой Дўсматов шаънига қанча мақтовлар, эътирофлар айтилмасин ўша сизу биз янада қинроқ танишганимиз Ҳасан-бой бўлиб қолаверади — қамтар, ки-чиққўнгли, самийи. Зеро, унинг ўзи айтганидек, Ватанини, халқини чина-кам яхши кўрган одамнинг оёғи ер-дан узилмайди.

таёрланган. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағиш-ланган мазкур нашрда йигирма беш нафар танқиди адиб қаламига мансуб долзарб мавзудаги ижод намуналари тўпланган. Китоё муқаддимасида таъкидлангандек, Би-ринчи Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида чо-рак аср мобайнида ихтимойи-маънавий ҳаётимизнинг бар-ча жабҳаларида эришилган ютуқлар мазкур тўпламининг маз-мун-мундарижасини ташкил этади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Ўзбекистон" кўчаси ва "Су-лола" очеркларига Андижон шаҳридаги "Ўзбекистон" кўчасининг бугунги ман-заралари ҳамда Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари каби мам-лакатимиз нефт-газ саноатининг йирик ишоотларига раҳбарлик қилаётган Сай-дахмедовлар сулоласи вақилларининг жўшқин фаолияти билан танишасиз. Ик-ром Бўрибоевнинг "Мустақиллик ҳимояси: долғали йиллардан осойишта кун-ларгача" деб номланган мақоласида Биринчи Президентимиз Исроом Каримов-нинг Ўзбекистоннинг ўз миллий армияси ва Қуролли Кучларини шаклланти-риш, мамлакат муҳофаза қудрати ва ҳарбий интизомини мустаҳкамлаш, қуролли қуларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақомилла

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор Рустам Абдуллаев миллий мусиқа санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган композиторлардан бири.

Сухбатларимиздан бирида композитор мусиқа оламга кириб келиши ҳақида шундай деганди: "Она томондан авлодимиз хоразмлик улуг санъаткор, мақомлар, халқ ашулаларининг бетакор ижрочиси Матюсуф Харратов номи билан боғланади. Шубҳасиз, қондан ўтган мусиқага муҳаббат нафақат менда, балки фарзандларимда ҳам давом этди. Ҳивалаги мусиқа мактаби директори, композитор Абдушариф Отажонов мендаги қобилиятни сезиб, албатта, мусиқа мактабиди ўқишим кераклигини айтди. Шу тариха санъатнинг сеҳрли оламига жиддий саёхатим бошланди".

Мусиқий таълимнинг зарурий барча босқичларини муваффақиятли босиб ўтган Р.Абдуллаев ўқиб жараёндаёқ ижод билан шуғулланди. Хоразм миллий мусиқа анъаналари асосида тарбиялангани сабабли ҳам асарларида воҳага хос услублар кўзга ташлана бошлади. Диплом иши сифатида ёзилган биринчи фортепиано концертини оркестр жўрлигида ўзи ижро этди. Мазкур асар кейинчалик композитор репертуарининг ажралмас қисмига айланди.

Кенг мусиқий ва фалсафий мушоҳада, изчил мантиқий тафаккур, эмоционал жўшқинлик билан йўрилган Р.Абдуллаев асарларини бугун нафақат юртимиз мусиқа ихлосмандлари, балки дунё санъати муҳлислари ҳам яхши билади. Ўз асарларининг дунё мамлакатларида ўтган ўн саккизта премерасида қатнашгани, ижод намуналари Грузия, Швеция, Россия, Туркия, АҚШ, Германия каби кўплаб давлатларда янрагани бунинг ёрқин далилидир. Композитор ижодиётининг асосий қисмини фортепиано ва оркестр, скрипка ва оркестр, виолончел ва оркестр, рубоб ва оркестр учун ёзилган концертлар ташкил қилади. Бу асарларда ижодкор ўзбек миллий мусиқаларидан ташқари, Шарқ мамлакатлари, хусусан, Таиланд ва Корея миллий оҳангларидан унумли фойдаланган. Эътиборли томони шундаки, Р.Абдуллаев концертлари билан чолу санъатида ўзига хос янгиликлар яратиб муваффақ бўлди.

Камер чолу мусиқаси, янқа ва ансамбллар учун мўлжалланган, шунингдек, камер вокал жанридаги асарлар композитор ижодий лабораториясини ташкил этиб, уларда муаллиф янги

ифодавий воситалар қўлайли, мавзуга ўзгача ёндошади. "Наврўз манзаралари", "Зумлак" концерт-песалари, "24 та прелюдия ва фуга" полифоник туркуми, япон шоирлари шеърлари асосидаги "Хиромиса фарёди", ўзбек шоирлари шеърларига ёзган "Ҳижрон", "Баҳор", "Қалб ҳайқирини" вокал туркуми, "Муҳаббат чоғидур", "Мангу ҳаёт", "Алла", "Тошкент фаворалари", "Ўзбекистон" каби юздан ортқ қўшиқ ва романслар, болалар учун ёзилган олти

МУСИҚА ФАЙЛАСУФИ

мишдан ортқ қўшиқлар шулар жумласидан.

Шу ўринда композиторнинг "Шодимулк", "Хива", "Салокат" операларини, "Кўёшга таъзим" балетини алоҳида таъкидлаш ўринли. Зеро, ўзбекистон улуг шоираси Зулфияноним таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан саҳна умрини қайтадан бошлаган "Салокат" операси Р.Абдуллаевнинг серкўрра, изланишдан чарчамайдиган композитор эканини яна бир бор намоян қилди. Санъаткорнинг "Шодлик таронаси", "Алишер Навоий хотирасига", "Тарас Шевченко", "Муҳаббат достони" каби 10 та симфоник поэмаси, камер оркестр учун полифоник симфонияси, "Шўх мусиқачилар", "Танланд мадҳияси" увертюралари, терроризмга қарши "Фарёд" манифести каби кўплаб замонавий мусиқалари воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблиги, уларни гўзал, таъсирчан мусиқий образларда ифодалаб бериши билан ажралиб туради.

Р.Абдуллаевнинг устоз сифатидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. У 1975 йилдан буюн Ўзбекистон давлат консерваториясининг композиция ва чолулаштириш кафедрасида, 2010 йилдан буюн шу кафедранинг профессори сифатида дарс бериб, ёш иқтидорлар-

ни малакали мутахассис қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Санъаткор Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси сифатида ҳам кўплаб ташкилий-ижодий ишларга бош-қош. Юртимизда ўтказилаётган ёш композиторлар ва танқидчилар танловлари, халқаро мусиқа фестиваллари, Назира Аҳмедова номидаги республика хонандалар танловлари ва бошқа тадбирлар бунинг далилидир. Шу билан бирга "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади, Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳайат аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Р.Абдуллаев олий ўқув юртлири талабалари учун ёзилган икки томли "Саҳна асарлари драматургияси" китоби муаллифидир.

Эътиборли жиҳати, ўзбек композиторининг мусиқа санъати равнақига қўшиб келаётган ҳиссаи халқаро миқёсда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда. Грециядаги Сукрот Фалсафа мактаби томонидан "XXI аср замин фуқароси" ҳамда Арасту номидаги Афина Фалсафа академиясининг "XXI аср аристократи" сертификати билан тақдирланиши фикримиз исботидир.

Шубҳасиз, буларнинг бари Абдуллаевнинг хонадониди ҳамжиҳатлик, фаровонлик самараси. "Ойлам мени жуда яхши тушунади, барча ишларимда қўллаб-қувватлайди, — дейди композитор. — Рафиқам Раъноном фарзандларимни меҳнатсевар, маънавияти бутун инсонлар қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўлди. Беҳуд ва Элнур — яхши пианиночи, халқаро танловлар совриндорлари, катта ўлим Темур мусиқий таълимга эга бўлса-да, ҳуқуқ-тартибот йўлини танлади. Кўёвим Раҳим Мирзакамол опера хонандаси. Ойлаимиз билан миллий мусиқа санъатимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётганимиздан хурсандиман".


Бугун ҳаётининг етуклик палласига қалам қўйган Рустам Абдуллаев доимгидек ижодий изланиш, янги асарлар ижод қилиш билан банд. Биз унинг машаққатли, аммо завқли ва жўшқин фаолиятига омад тилаймиз.

Аҳмад ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор

Ғайбулла ҲОЖИЕВ:

СУКУТ САҚЛАШ ҲАМ ҲУРМАТ

Санъат шинавандалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиев номини яхши билишадди. Актёрнинг Ўзбек давлат драма театрида, Миллий академик драма театрида, қатор филмларда ижро этган турли характердаги ранг-баранг роллари, дубляждаги ишлари миллий санъатимиз зарварақларини беэза турибди. Ғ.Ҳожиев бугунги кунда миллий сериаллар яратилишида фаол қатнашиб келмоқда. Қуйида санъаткорнинг ҳаётий ва ижодий кузатишлари асосида юзага келган, ўтган йил охирида "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Хотиралар тўлқини" китобидан олинган баъзи қайдларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Театрга ишга ўтиб, биринчи ўйнаган ролим киргиз драматурги Мар Байжиев асари асосида "Тўй муборак, қари қиз" спектаклидаги дирижёр ва бастакор йигит образи бўлди. Премерага тумонат одам йигилди. Аксарияти театршўнослар, машҳур актёрлар... Улар орасида Йўлдош Аъзамов, Латиф Файзиевдек етук санъаткорлар... Муаллиф ҳам рафиқаси билан келган. Ниҳоятда ҳаяжонданман... Хуллас, спектакл бошланди. Томоша давомида ўзимни қандай тутдим, ролимни қандай ижро этдим — эсимда йўқ. Аммо ўша кунги қарсақлар, олқишлар ҳамон қўлгим остидан кетмайдди.

Тадбир тугагач, машҳур бастакор Мутаваккил Бурхонов менга қўшиб таб-

Шукур Бурхонов саҳнага чиқадиган кун театрда бошқача руҳ ҳужм сурадди. Бирорта ортиқча одам тимириланиб юрмас, иш билан юрганлар ҳам наст овозда гаплашар, одоб сақлашарди. Улуг санъаткор соат еттида бошланадиган спектаклга кундузги иккидан келиб саҳнада, парда ортида айлиниб юраркан.

Уша кун "Қиёмат қарз" (режиссёр Рустам Ҳамидов) спектакли репетицияси бўлаётган экан. Режиссёр ассистенти Абдувоҳид Норпўлатов бир чеккада суфлёрлик қилиб, Шукур акага сўзларни эслатиб турибди. Устоз санъаткор, негадир, шу кун сўзларни илғай олмай, ҳаммани қўйнаб ю-

рибди. Ҳеч ким ҳеч нарса дейлмайдди, ҳаммининг дами ичида. Шунда нима

бўлибди денг! Суфлёрлик қилаётган ёшгина йигит тўғри саҳнага чиқиб келибди: қўлида сценарий. Ҳамма, шулар қатори бир чеккада асабий ўтирган Шукур ака ҳам унга ҳайрон бўлиб қарабди. Гавдаси чоғроққина Абдувоҳид эса овозини баралла қўйиб: "Сиз бугун репетицияга тайёр эмасиз, Шукур Бурхонов!" деб бақирибди-да, қўлидаги қоғозларни столга урибди. Кейин қўлини орқасига қилиб, ҳеч кимга қарамай, дадил юрчача саҳнадан чиқиб кетибди. Эшик шарақлаб ёпилиб, ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди.

Бир маҳал Шукур ака ўрнидан кўзғалибди. Ҳамма юрак ҳовуқлаб турганмиш. Ахир, оддий бир ассистентнинг Шукур Бурхоновдай одамга бақирганини тасаввур қилиб кўринг. Шунда кутилмаган воқеа содир бўлибди. Шукур ака стол олдига келибди-да, сценарийни қўлига олиб, кейин Абдувоҳид ҳозиргина шарақлатиб ёпиб кетган эшикка қараб: "Ий-ей!.. Ёмон қўлди-ку! Ий-ей!.. — дебди ва "ҳимм" деганча қайтиб бориб ўтирибди-да, бош ирғач тан олибди: — Лекин тўғри қилди, бугун формада эмасман!.."

Утган асрнинг етмишинчи йилларида бир гуруҳ битирувчи талабалар Москва, Санкт-Петербург, Рига шаҳарларида бўлиб қайтгандик. Ҳаётда Санкт-Петербургдаги катта академик театрда бош режиссёр Георгий Товстоногов билан учрашдик. Бу афсонавий режиссёрнинг беҳад камтарлиги, одамийлиги бизни гоё хайратга солди. Сухбат асносида курсдошларимиздан бири "Георгий Александрович, шоғирдларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз", деб қолди.

— Шогирдларим... — У бир лаҳза жим қолди-да, кейин беозор кулимсиради. — Узр, шу саволигини жавобсиз қолдирсам... Фалончи, фалончилар менин шогирдларим, дейишим нуқолай. Яхшиси, хоҳласангиз, устозларим ҳақида сўзлаб бера қолай. Бу ҳам мен учун мароқли... Тушунарли... истиҳола қиляпти. Биз бунга яхши билардик. Ҳа пайтда

қайси машҳур театрға борманг, буюк санъаткорнинг доврқули шогирдларини учратиш мумкин эди. Бироқ устоз булар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиршига астойдил ийманадди.

Ҳозир баъзан матбуотда, радио-телевидениеда ҳали оғзидан она сuti кетмай туриб, бемалол ўз "шоғирдлари" ҳақида наздираётганларни кўриб қолсам, беихтиёр Товстоногов ёдимга тушади-да: "Ҳа, — дейман ўзимга ўзим, — буюкларнинг буюклиги ҳам шунда-да!"

Драматург Ҳайитмат Расулнинг "Узоқ қишлоқ" асари асосида саҳналаштирилган спектакл муваффақият билан ўйналиб турган кунлар. Мен кичик бир ролдаман. Бир кун кенга яқин асосий роллардан бирининг ижрочиси Рустам Каримов бетоб бўлиб қолгани учун томошага келолмаслиги маълум бўлди. Чипталар сотилган, томошабинлар йиғила бошлаган... Нима қилиш керак? Ҳаммининг боши қотиб турган бир пайтда "қахрамонлигим" тутиб, "Шу ролни мен ўйнаб бера қолай", дедим. Режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев "Ҳазиллашмайсанми?" дегандек бир қараш қилди. "Ҳа, Баҳодир ака, ўйнайман, деярли ёддан биланман Рустам аканинг ролинини", дедим.

Хуллас, икки соатлик томоша яхши ўтди. Кейинги кундаги жамоа йиғилишида Баҳодир ака менга раҳмат айтди. Айтди-ю, кейин шундай деди: "Ғайбулла бизни вазиятдан қутқарди. Лекин айнан ўзи бизга бундан кейин бундай қилмаслигимиз кераклигини исботлаб берди. Айб ундамас, менда. Томошани қолдиришим керак эди". Унинг фикрича, бу ишимиз саҳнага, санъатга, энг аввало, санъатининг нисбатан одобсизлик, ҳатто хиёнат эди. Очиғи, ўшанда унчалик тушунамандим бу гапга. Назаримда, ўйиним яхши чиққан, бирор сўзда янгилишмаган, ҳатто айрим ўринларда "импровизация" қилиб, томошабинни "гур-гур" кулдирган ҳам эдим. Кейинчалик тушуниб етсам, Баҳодир ака томошага юксак назар билан қараган, нималардандир кўнгли тўлмаган ва менга, биринчи навбатда, "алданиб" ўтирган томошабинга ҳам раҳми келган бўлиши керак.

Умуман, Баҳодир аканинг ҳар бир гапида бир ҳикमत, сабоқ бўларди. Бу эса, айниқас, биз — ёшларнинг ижодимизда асқотарди. Масалан, у оз куч сарфлаб, кўп иш қилишни маслаҳат берарди. "Шошломанг, ўринли-ўринсиз кераксиз сўзларни ишлатманг, оз гапиринг, ўрни билан фикрингизни сукут сақлаш орқали ифодаланг", дерди.

Ғулҷера УМАРОВА тийёрлади.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Қурбон НОРХЎРОЗОВ, "Йилнинг энг яхши ҳайкалтароши":

— Ҳаётини санъатга бағишлаган рассом борки, ўй-хаёли ҳаммиса ижод жараёни билан банд. Унинг барча орзу-истаклари, мақсаду режалари, аввало, санъат асари яратиш билан боғлиқ бўлади. Мақтов ёки мукофотга эришиш ҳақида ўйлаш вақти ҳам бўлмайди. Шу боисми, асарлари томошабинлар эътиборига тушиб, эътироф қозонганида рассом кутилмаган воқеа юз бергандек, ҳаяжонга тушади. "Эътироф" мукофотига сазовор бўлганимни эшитганимда юрагим шундай хисларга тўлди. Ушбу нуфузли совринга лойиқ топилган барча ижодкорлар қаторида бошим кўкка етди. Айниқас, Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев хотирашига кўрсатилган ҳурматдан хурсанд бўлдим. Мамлакатимизда ҳайкалтарошлик санъатига, бу йўналишда самарали ижод қилган ва изланишда давом этаётган рассомларга катта эътибор қаратилаётгани қувончли ҳол. Бизга билдирилган бундай ишончга жавобан изланишдан тўхтамай ижод қилиб, нафақат миллий, балки жаҳон санъати хазинасини бойитишга қодир асарлар яратишга интилишимиз лозим.

Дилором АБДУОЛИМОВА, "Йилнинг энг яхши театр актрисаси":

— Ростини айтсам, "Эътироф" мукофотига сазовор бўлганимни эълон қилишганида ҳаяжонимнинг чеки йўқ эди. Номзодлар орасида борлигимни билсам-да, бу мукофот ўзимга насиб қилишини кутмагандим. Бу мукофотни нафақат ўзим, балки мен ижод қилаётган Муқимий номидаги мусиқали театр ижодий жамоаси меҳнатининг эътирофи сифатида қабул қилдим. Танловнинг театр йўналишидаги голибларни аниқлашда асосий эътибор мумтоз спектакллар, уларни саҳналаштирган ижодкорлар фаолиятига қаратилгани бежиз эмас. Мен ҳам айнан "Лайли ва Мажнун" спектаклидаги Лайли образи учун мукофотга лойиқ топилдим. Бу рол ижодкор сифатида ўсимига, буюк мутафаккир Алишер Навоий даҳосидан баҳраманд бўлишимга имкон берди.

ниатюраси ва китобат санъатини Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур асарларига ишланган ноёб намуналар орқали жамоатчиликка таништириш, ёшларда ватанпарварлик, фидойилик туйғулари янада мустаҳкамлашдан иборат. Темирийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили ва адабиёти музейи ҳамкорлигида тайёрланган ушбу кўргазмада намойиш этилган ноёб кўлёмаларнинг асл нусхалари, нафис миниатюралар, китобат санъати намуналари ўша давр тасвирий санъатининг юксак даражада ривожланганидан далолат беради.

Азиза ИБРОҲИМОВА, санъатшўнос

ТЎРТ ФАСЛ ГЎЗАЛЛИГИ

лий театримиз ҳаёти акс этган суратлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Рустам Шарипов, Султонбой Дехқонов, Ғайрат Шуқуров, Зафар Рузиқулов, Михаил Левкович сингари фоторассомларнинг ишлари томошабинлар эътиборини тортомоқда.

Тадбир доирасида фото санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Таниқли мусаввир Муҳаммаджон Тожиризаев асарлари халқ анъанала-

рига бойлиги билан ажралиб туради. Мусаввир композицияларининг рамалардан ҳоли, ҳаққоний шакллар ва ранглар мутаносиблигида ишлангани томошабинларга қизиқтириб уйғотади. Бадий академия кўргазмалар заида ижодкорнинг эликдан ортқ наюртюр-морт, манзара, маиший ҳаёт жанрига доир ишлари намойиш этилмоқда.

— Композиция чизишда энг муҳими мавзу, — дейди рассом. — Бозор ва унинг атрофини айланб, одамларнинг ҳаракатини кузатман, суҳбатлашаман. Кимнингдир бирор гапи



маъқул келиши, ёки бирор маҳаллада, гузарда кўрганларим ижодимга туртки бўлиши мумкин. Рассом ҳақиқатни қозғога муҳрлайди. Ҳаёт ҳамма вақт ҳам гўзал бўлавермайди. Шунинг учун ҳаётни бўласдан кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Марказдан олисда ижод қилса-да, ўз мавзулари, йўналишини топа олган М.Тожиризаевнинг асарлари мамлакатимизда, Москва, Брюссел, Рига шаҳарларида намойиш этилган.

С.ҚОСИМОВА

СЎЗ ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ Дийдор

Ўзбекистон давлат консерваториясида таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванин "Маҳорат дарси" бўлиб ўтди. Эстрада хонандалиги ва ижрочилиги кафедралари томонидан ташкил этилган тадбирда Н.Абдуллаева талабалар билан самимий мулоқотда бўлди. Сўз қўшиққа уланиб, устоз санъаткор талабаларни биргаликда қўйлаш учун саҳнага таклиф этди. Марям Ғафурова, Диларфўз Рустамовалар халқ санъаткори билан қўшиқ қўйлашди. Учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган қўйлаб саволларга батафсил жавоб олдилар. Айниқас, санъаткор ижросидаги "Соғинч", "Тома-тома", "Қалдирғоч", "Айрилиқ", "Самарқанд" каби қўшиқлар учрашувга фойз киритди.

Хусанбой САЙФУЛЛАЕВ

"ДАДАМ БЕТОВ"

Шу йилнинг январ ойида таниқли режиссёр Зулфихор Мусоқов навбатдаги янги бадий филмининг муҳлисларга тақдим этди. З.Мусоқов ўз йўли, ўз сўзига эга режиссёр. Унинг "Дадам бетов" деб номланган янги филми сабр-тоқат, матонат ҳақида... Оғир хасталикка учраган турмуш ўртоғи учун доридармон топиш илнжиди шаҳарга отланган аёлнинг қийинчиликларга бардош бериши, фарзанди учун ўлимга тик бориши ҳақида.

Аёл курашади... Филмда унга қарама-қарши қўйилган аламзада, қасос ўтида ёнаётган аёл ҳам курашади. Бири оила бутулиниги, фарзандларни тотулиниги учун, иккинчиси бузғунчи гоёлари тантанаси учун курашади. Икки аёл тўқнаш келади. Қай бири қилиб чиқадди? Албатта, эзуглик тантана қолади. Лекин бу қай йўсинда юз беради?... Филминг кўрағач, бу

саволларга жавоб топасиз. Бош ролларни "Туташ тақдирлар", "Опа-сингиллар" телесериаллари орқали томошабинларга яхши таниш бўлган Феруза Саидова ҳамда ёш ижодкор Юлдуз Ражабова талқин қилинган. З.Мусоқовнинг "Новда", "Ҳазорезги" кинокартиналари орқали томошабинларга юмшоқтабнат, кўнгличан аёл қиёфасида таниш бўлган Ф.Саидова ушбу филмда бироз қаттиққўл, сабр-тоқатли, курашувчан аёл образини маромига етказиб яратган. Ю.Ражабова қаҳрамони мураккаб тақдирли, ҳаёт қийинчиликларига, атрофдаги кимсаларининг юриш-турушига нисбатан ўз қарашини булган жиноятчи аёл. Филмдаги асосий роллардан бирини таниқли актёр Фарҳод Абдуллаев ижро этган. Оператор Азизбек Арзиқулов ушбу картина орқали тасвир борисида катта маҳорат эгаси эканини яна бир бор исботлади.

Дилфуза ТУРДИБЕКОВА

МИНИАТЮРАЛАРДА ТАРИХ АКСИ

Темирийлар тарихи давлат музейида «Миниатюраларда тарих акси» номли кўргазма ўз ишини бошлади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналарига бағишланган мазкур кўргазмага 50 дан зиёд экспонат қўйилган. Ноёб кўлёмна намуналари ва уларга ишланган миниатюраларда XV-XVI асрларда адабиёт, шеърят, тасвирий санъат юксак даражада равнақ топгани ўз аксини топган.

Мазкур тадбирдан асосий мақсад жаҳон санъати таррақийтига катта ҳисса қўшган Темирийлар ми-

Томоша қилинг

Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилганга йигирма йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкент Фотосуратлар уйида очилган экспозицияда Бадий ижодкорлар уюшмаси фотосўбъа аъзоларининг икки юздан ортқ ижод намуналари намойиш этилмоқда. Абдулгани Жума, Владимир Гончаренко, Анатолий Коровин, Станислав Канаки, Анна Чудинова, Елена Володина каби ижодкорларнинг юксак маҳорат билан бажарилган фото ишларида ўлкамизнинг тўрт фасли манзаралари тараннум этилган. Умида Абдуразақовнинг "Эски тегирион" туркуми, Раҳмонбек Исмоловнинг мил-

ЭЛЧИХОНАДА БОБУРХОНЛИК

Пойтахтимиздаги Бангладеш Халқ Республикаси элчихонасида улуғ аждолимиз Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан адабий кеча бўлиб ўтди. Санъатшунос ва журналистлар, элчихона қошидаги тил ўрганиш курси тингловчилари иштирок этган тадбирда Бобур Мирзо қаламига мансуб шеър, ғазал ва рубоилар ўзбек, бенгал, инглиз ва рус тилларида жаранглади.

Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Мосуд Маннан жаноблари бетакорр шoir ва буюк салтанат асосчиси Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг



Ўзбекистон ва жаҳон

ҳаёти ва ижоди, бобурийлар сулоласини шакллантиришдаги буюк хизматлари, жаҳоншумул аҳамиятга эга "Бобурнома"нинг бебаҳо қиммати ҳақида сўзлади. Санъатшунос Назира Сулаймонова таниқти ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов томонидан яратилган Андиқондаги Бобур ҳайкали, Зокиржон Маширабов раҳбарлик қилаётган Бобур халқаро фонди ва экспедицияси амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида сўзлади. Ғарб тарихчилари томонидан Бобурийларнинг "буюк моголлар", деб аталган тарихан янгилиги бўлиб, улар асос салтанат ва сулола ўз номи билан темурийлар сулоласини давом эттирган бобурийлар сифатида тилга олинган мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди.

Тошкент шаҳридаги 166-мактаб ўқувчиси, элчихона қошидаги бенгал тилини ўрганиш курси тингловчиси Абдурауф Обидов Бобур рубоиларидан намуналарни ёддан айтди. Элчихонанинг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Ирина Ошишченко Бобур Мирзо ижоди ҳақида фикр юритиб, шoirнинг дилбар ғазалларини рус ва инглиз тилларида ўқиди. Тошкентдаги "Чинор" экология наشريети муҳаррири Нозира Абдуллаева, шунингдек, элчихона ходимлари турли тилларда Бобур шеърятидан намуналар ўқиб беришди. Тадбир сўнгида элчи Мосуд Маннан жаноблари томонидан тадбир қатнашчиларига Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг "Шарқ лирикаси" туркумида чоп этилган рус тилидаги танланган лирик шеърлар тўплами тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлимларида ҚУТЛУҒ САНАЛАР ШОДИЁНАСИ

ФАРҒОНА давлат университети ва Политехника институтида Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги муносабати билан "Глобаллашув ва маънавий таҳдидлар шароитида Алишер Навоий ижодини ўрганишнинг аҳамияти" мавзuida ўтказилган илмий-амалий анжуман ва учрашуларда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзвучилар уюшмаси раиси Халқ Ўзвучиси Мухаммад Али, адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров, филология фанлари доктори Ҳабибулла Жўраев, филология фанлари номзода Адхамбек Алимбеков, Ўзбекистон халқ шoirи Энахон Сиддиқова темурийлар даври сиёсий ҳаётида Алишер Навоийнинг тутган ўрни, улуғ шoir ижодини ёшлар томонидан ўқиб-ўрганилиши учун давлатимиз томонидан яратилган шароитлар ҳақида сўзлашди.

Сарвиноз САЪДУЛЛАЕВА

САМАРҚАНД. Самарқандлик ижодкорлар ва "Салоқат" тўрагаги аъзолари иштирокида "Мустақиллигимиз меймони" муношари, Каттақўрғон шаҳридаги Дамарик маҳалласида эса "Минг даргда даво китоб" мавзuida ижодий мулоқот ўтказилди. Шаҳардаги 4-мактаб ўқувчилари томонидан Заҳриддин Мухаммад Бобур ғазаллари асосида тайёрланган бадий чакши намойиш этилди.

Самарқанд Давлат Чет тиллар институти кутубхонасида О.Муминов ва И.Тўхтасинов томонидан немис тилига таржима қилинган устоз Ойбекнинг "Навоий" романи тақдими бўлиб ўтди. Институтнинг немис тили ва таржимачилик кафедраси ўқитувчилари, талаба ёшлар, ижодкорлар иштирок этган тадбирда мустақиллик йилларида адабий алоқаларга юксак эътибор кўрсатилаётгани ҳақида сўз борди.

О. ҲОЖИЕВ, Ўзвучилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимаси масъул котиби

СИРДАРЁ. Ҳазрат Алишер Навоий таваллудини муносабати билан Гулистон давлат университети ва Ўзвучилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими томонидан "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ" деб номланган адабий-бадий кеча ўтказилди.

Тадбирда Халқаро Бобур мукофоти совриндори, филология фанлари номзода, навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмонов, филология фанлари номзода, доцент Ҳамид Ёдгоров, филология фанлари номзода Музаффар Маматқулов буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилишди. Уйғун ва Иззат Султоннинг

МАСЪУЛЛИК ЗАРУР

Энгин билан боғлиқ ҳодисалар кўпинча катталарнинг бепарволиги оқибатида юзага келади. Шу муносабат билан соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда энгин хавфсизлиги ҳолимлари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Зеро, мустақиллик йилларида ушбу тизимда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Яъни ҳар қандай шароитда ҳам ҳаракат қила оладиган махсус энгин ўчириш автоуловлари бутунги кунда энгин хавфсизлиги хизматида. Аммо ушбу автоуловлар оқат содир бўлган жойга қисқа вақтда етиб бориш ролимашига оқибатида турар-жой ва ҳусусий мол-мулкка талафот етмоқда. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, йўллардаги тўсиқлар ва ноқонуний қурilmаларни бар-тароф этиш чора-тадбирларини кўриш нафақат соҳа ходимлари, балки ҳаммаимизнинг бурчимиздир.

Мирсобит ЖАЛОЛИДИНОВ, Музаффар БАЙСАРОВ, энгин хавфсизлиги хизмати катта инспекторлари

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЎЗВУЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ТВ "КИТОБХОН" МАЪРИФАТГА ЧОРЛАЙДИ

Китоблар — тафаккур хазинасининг нодир дурдоналари. Мутолаа дунёни англаш сари энг яқин йўл, ўзлимизни топиш томон энг яқин масофа, хаёлот оламига очилган эшик, тасаввурнинг сарҳадсиз кенгликларига бошловчи қудрат, битиклар ичра улуғвор парвоз. Шундай экан, мутолаага иштиёқни фақат ва фақат кучайтирмоқ лозим.

Китоб ўқиш иштиёқни ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни ҳам шакллантириш, рағбат бериш, керак бўлса ўргатиш, тарбиялаш лозим. Китоб тарғиботи, китобхонлик маданиятини ошириш олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир. Юрбошимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

"Toshkent" телерадиоканали директори Мадамин Сафаров бошчилик қилган кўрсатувимизни "Китобхон" деб номладик. Эфирга узатилган биринчи кўрсатувимиздаёқ юрдошларимизнинг бадий адабиёт ва китобхонликка бўлган қизиқишлари юксак эканлигини англадик. Чунки студиямизга тинимсиз кўнгироклардан ташқари мактублар ҳам оқиб кела бошлади. Билдирилган фикр ва мулоҳазалар ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч бағишлади.

"Китобхон"нинг муқобил вариантлари бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайди. Биз уни ўзимизнинг танлаган йўлимиз, эзгу гоъларимизга мос бўлиш учун интилдик. Кўрсатувимизнинг ширинида айтилганидек, китоб ўқиганлар ҳаммиса голиб! Иштирокчилар мумтоз адабиётимиз намуналари, жаҳон адабиёти дурдоналари, буюк ёзувчи ва шoirлар ижодидан бохабар бўлиши, қисқасини айт-

ганда кўп китоб ўқиган бўлиши лозим.

Дастуримиз уч шартдан иборат. Ҳар бир шартда турли китоблар, ёзувчи шoirлар ҳақида саволлар берилади. Уларга жавоб бе-

ўтмоқчи эдим. Аслида, китобларни мулоҳаза билан мутолаа қилган зукко ўқувчи ҳар бир ёзувчи ижодида, ҳар бир асарнинг тағ замирида китоблар тарғиботи, замонавий тил билан айтсақ, китоблар рекламасига алоҳида ургу берилганини пайкайди. Мумтоз адабиётимизнинг даҳо сиймолари Алишер Навоий ва Заҳриддин Мухаммад Бобур ўз асарларида қанчадан-қанча нодир китобларни тилга олиб ўтадилар. А.Қодрийнинг "Ўтган кунлар" асаридида Кумуш тилидан айтилган "Фузулий яхши китоб" иборати барчамизга ёд бўлиб кетган. Унинг таъсирида Фузулийни қайта-қайта мутолаа қилишга чоғланганмиз. Ёки "Меҳробдан чаён" асаридида Солиҳ маҳдумнинг "Ишинг бўлмаса китоб ўқи, хуснихат ол..." деган сўзлари барчамиз учун мутолаага чорлов бўлса керак. Француз ёзувчиси Стендаль "Кизил ва қора" асаридида бош қаҳрамон Жюльендаги сифатлардан бирининг пайдо бўлишида унга китобнинг ўрни муҳимлигини эътироф этади. Ва китоблар номи ни санаб ўтади. "Жюльен шун китоблар учун ўлимдан ҳам қайтмасди..." Бу таърифдан кейин ўқувчи албатта, ўша учта китобни шубҳасиз қидиради ва топиб ўқийди. И.В.Гёте "Еш Вертернинг изтироблари" асарининг хотимасида қаҳрамоннинг аянчли тақдирини ниҳоялар экан, "стол устида "Эмилия Галотти" очиб ўқидим", деб немис ёзувчиси Г.Е.Лессингнинг асарини тилга олиб ўтади. Бу китоб Вертернинг сўнги дамида унга ҳамроҳ бўлганлигининг қайд этилиши эди. Гёте бир неча бор севиб ўқиган ушбу асар Вертер билан хайрлашган китобхоннинг янги мутолаа манбаси бўлса ажабмас. Мана сизга китобларда китоблар тарғиботи. Бизнинг кўрсатувимизда эса ўнлаб сеvimли қаҳрамонлар, ёзувчи ва шoirлар, китоблар номи тилга олинди. Мухлислар бу асарларни, албатта, ўқишларига ишонаман.

Донишмандларимиз таъбирича: "Кутубхона бу гоълар маскани. Унга ҳамма-ҳаммани тақлиф этиш мумкин." Биз ҳам барча эзгу гоълар билан яшаётган мухлисариимизни кутубхонага — "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида тасвира олинаётган "Китобхон" интеллект — шоусига, "Toshkent" телеканал орқали дастур томошасига чорлаб қоламиз.

Дилдора МАРДИЕВА,
"Китобхон" кўрсатуви муаллифи

НАЗМ ВА НАВО МАВЖЛАРИДА

Дилга яқин, қадрдон қўшиқлар жаранг сочиши билан юрагингиз беихтиёр севинчга тўлади. Алишер Навоий номидаги ўзбек академик катта театрида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг қутлуғ санасига бағишланган "Назм ва наво" кечаси ҳам асл санъат мухлисларини хушнуд этди.

Кечада шoir ғазалларидан намуналар, достонларидан парчалар

ўқилди, мумтоз ашулалар ижро этилди. Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли, Ўзбекистон халқ артистлари Матлуба Дадабоева, Зулайхо Бойхонова, Фафур ва Фулом Эшчоновлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов, Фурқат Ашуралиев, Юлдуз Турдиева, Мухсинбек ва Яхёбек Мўминовлар ижросидаги қўшиқлар йиғилганлар қалбини байрам шуқуҳи билан тўлдирди. Мусиқага мос теб-

раниб, завқ билан тинглаётган, санъаткорга қўшилиб ўзича куйлаётган томошабинлар юраги шу кунги жонли ижро сеҳри билан тўлиб-тошди. Ҳазрат Навоий ғазали билан айтилувчи "Муножат", "Эй сабо", "Сўз деманг" қўшиқлари "Мақом" ансамбли хонандалари ижросида янграганда мумтоз наво мухлисари кўнглида завку шавқ уйғонди, улуғ Навоий назмидаги маъно жаҳоирлари наво билан уйғунлашиб, қалбларга, онгу шуурларга нур мисол сингандек бўлди.

Санъат оламига кириб келаётган ёшларнинг ҳам улуғ сўз санъаткори ижодига мурожаат этиши қувонди. Эстрада хонандалари ижросида янграган куй-қўшиқлар уларнинг мумтоз қўшиқлар ижроси борасида истеъдодини синаб кўришларига замин яратди.

Ўзбек миллий академик драма театрида ўзбек халқининг яна бир ардоқли фарзанди, шох ва шoir Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Назм ва наво" кечаси ҳам сўз сеҳри, куй-

қўшиқ тараннумидан завқланган юраклар ҳаяжонга тўлди. Эл ардоқлидаги устоз санъаткорлар, мақом санъатининг моҳир ижрочилари, забардаст актёр ва актрисалар иштирок этган кечада шoirнинг халқ орасида маълум ва машҳур қўшиқлари янгради, ғазалларидан намуналар ўқилди. Санъаткорларнинг жонли ижродаги қўшиқлари саҳна билан томошабинни бир бутун қилиб қўйди. "Ўзбекистон", "Наврўз" ашула ва рақс ансамбллари раққосларининг чиқишлари кечани янада тароватли қилди. Мухлислар ҳақиқий санъат сеҳрини ҳис қилди ва ҳайратга тушди. Кечага йиғилган онахону отахонлар қатори ёшлар ҳам мумтоз куй ва сўз жозибасига мафтун бўлишди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Назм ва наво" кечалари ҳар икки улуғ сўз санъаткори авлодларнинг улкан меҳру муҳаббати ва юксак эътиромни намунаси бўлди.

Вазира ИБРОҲИМОВА

ОФТОБИМСАН, КИТОБИМ



Капалак
Капалак, ҳой капалак,
Бунча жонингиз ҳалак.
Гулдан гулга кўнасан,
Етолмайин мен ҳалак.

Капалакжон, капалак,
Қаногларинг камалак.
Гулкосалар ошенинг,
Дугоналаринг — малак.

МОМОН
Меҳрим бошқача сизга,
Меҳрибонсиз сиз бизга.
Эртақларингиз тинглаб,
Парвоз этдик юлдузга.

"Тоҳир-Зухра", "Ёрилтош",
"Ойни уялтирган қош".
Ҳамид шoir бобом, деб,
Гоҳ кўзга оласиз ёш.

Умрингиз узун бўлсин,
Қалбингиз нурга тўлсин.
Роҳатимизни кўринг,
Бобом ҳам мингта кирсин.

Болалар бекати

Сарвиноз
ЖАЛОЛИДИНОВА,
Денов туманидаги
2-ихтисослаштирилган
интернат мактабининг
6-синф ўқувчиси

Ким сени кўп ўқиса,
Оқил, фозил, донодир.

Қатлари дур китобим,
Гулдан гулга кўнасан,
Садоқатли дугонам,
Офтобимсан, китобим.

МОМОН
Меҳрим бошқача сизга,
Меҳрибонсиз сиз бизга.
Эртақларингиз тинглаб,
Парвоз этдик юлдузга.

"Тоҳир-Зухра", "Ёрилтош",
"Ойни уялтирган қош".
Ҳамид шoir бобом, деб,
Гоҳ кўзга оласиз ёш.

Умрингиз узун бўлсин,
Қалбингиз нурга тўлсин.
Роҳатимизни кўринг,
Бобом ҳам мингта кирсин.

Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиёти музейи жамоаси уюшма аъзоси, филология фанлари доктори

Ҳафиз АБДУСАМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими
Фурқат МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон бадий жамоалар ижодий бирлашмаси Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамбли хонандаси
Мунира МУҲАММЕДОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирлади.